

тинги юқори ёки пастлиги албатта аҳамият касб этади. Лекин шу рейтингга киришнинг ўзи ҳам инвесторларда ушбу мамлакатга нисбатан у ёки бу даражада ишонч уйғотади.[4]

Умумжаҳон банкининг «Ҳамма учун инвестиция муҳитини қандай шакллантириш мумкин»[5] мавзудаги жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботида инвестиция муҳитини баҳолаш бўйича банк ёндашувининг асосий мазмуни келтирилган.

Юқорида кўриб чиқилган усуллар сингари ушбу ёндашувда ҳам мутахассислар томонидан бериладиган баллар йикиндисидан фойдаланилади. Умумжаҳон банки ёндашувига кўра мамлакат инвестиция муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат, деб ҳисобланади:

- иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий-меъёрий амалиётнинг ноаниқлиги;
- коррупция даражаси;
- суд тизимининг сифати;
- жиноятчилик даражаси;
- «солиқ юки» ва солиққа тортиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;
- молия ресурсларини олиш имконияти ва молиялаштириш қиймати;
- электр билан таъминланганлик дара-

жаси ва сифати;

- ишчилар малака даражаси ва меҳнат қонунчилигининг сифати.

Ушбу ёндашув инвестицион жозибдорликни таъминлашнинг институционал омилларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жаҳон банки томонидан таҳлил этиладиган инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар инвестиция risks билан боғлиқ. Ушбу услубиятга мувофиқ мамлакатнинг инвестиция имкониятлари эътиборга олинмайди.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда кичик бизнесни қўллашни ўзларининг асосий вазифаси деб ҳисоблайдиган давлат ва жамият ташкилотларининг сони кўпаймоқда. Улар фақат молиявий ёрдам қилмасдан, балки (қоида бўйича имтиёзли кредит шаклида), ходимларни ўқитиш ва бошқа ишларда ёрдам беради.

Бу каби чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун мурожаат қилишдан олдин уларни ўзига хос талабларини билиш керак, кўплари улар учун керакли соҳалардаги кичик корхоналарга ёки ҳудудлардаги лаёқатли гуруҳларга ёрдам кўрсатиш лозим, ҳамда инвестиция маблағларини жалб этишнинг бошқа муқобил ва инновацион имкониятлари топшириши керак.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” 1998 йил 24 декабрдаги, “Хорижий инвестициялар тўғрисида” 1998 йил 30 апрел, 1998 йил 30 апрелдаги “Кафолатлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунлар.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси матнини тўлиқ ҳолда келтирди. 28.12.2018 й.
4. Имомов Ҳ.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДИУ, 2007. -232 б.
5. Доклад о мировом развитии. 2005. Как сделать инвестиционный климат благоприятным для всех / Пер. с англ. - М.: 2005. -С. 252-254.

## ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАР: ИЛМ-ФАН ВА БИЗНЕС ҲАМКОРЛИГИ

**Маҳкамов Ўткир -  
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”  
ИТМ, мустақил изланувчи (PhD)**

**Аннотация.** Мақолада инновацион кластерларни яратишда давлат, бизнес ва илм-фаннинг ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинган. Бизнесни ташкил қилишнинг бошқа вариантлари билан таққослаганда инновацион кластерларнинг афзалликлари, инновацион муҳитни фаоллаштириш ва такомиллаштириш механизмлари очиб берилган.

**Асосий тушунчалар:** инновацион кластер, давлат, бизнес ва илм-фан ҳамкорлиги, рақобатбардошлик, минтақа, инновацион ғоялар.

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы взаимодействия государства, бизнеса и науки в создании инновационных кластеров. Раскрываются преимущества инновационных кластеров перед другими формами организации бизнеса, механизмы активизации и улучшения инновационной среды.

**Ключевые слова:** инновационный кластер, сотрудничество государства, бизнеса и науки, конкурентоспособность, регион, инновационные идеи.

**Abstract.** The article discusses the interaction of the state, business and science in creating innovative clusters. The advantages of innovation clusters over other forms of business organization, the mechanisms of activation and improvement of the innovation environment are revealed.

**Keywords.** innovation cluster, cooperation between the state, business and science, competitiveness, region, innovative ideas.

### **Рақобатбардошлиқни оширишнинг самарали механизми.**

Ҳозирги замон глобал иқтисодий таърифтаги муваффақиятли ва барқарор ривожланишнинг муҳим шартлари – бу халқаро рақобатга мослашиш, истиқболли ташқи бозорларни топиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни рағбатлантирувчи механизмларни яратиш учун ички омилларни ривожлантириш каби жиҳатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодий таърифининг инновацион ривожланиши даврида мамлакатда кластерларнинг шаклланиши янги миллий саноат ва илмий-техника сийосатини амалга оширишнинг ажралмас механизмига айланиб бормоқда.

Инновацияларни татбиқ этишда бизнес ва илм-фаннинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги юзага келади. Саноат ишлаб чиқариш замонавий илмий изланишларга асосланса, турли инновациялар бизнесда ўз аҳамиятини йўқотмасдан қўлланилса, иқтисодий таърифининг инновацион деб аташ мумкин. Илм-фан ва бизнеснинг самарали альянсини яратиш Ўзбекистон иқтисодий таърифини ривожлантириш учун энг истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Кластерларни минтақани инновациялар ва ўзаро ҳамкорликнинг синергистик эффектлари асосида унинг рақобатбардошлигини ривожлантиришнинг комплекс механизми сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу эса ҳудуднинг ривожлантириш субъекти сифатида инновацион ҳамжамиятни шакллантиришни таъминлайди.

Кластер тушунчаси биринчи бўлиб таниқли олим, Гарвард бизнес мактабининг профессори Майкл Портер томонидан киритилган ва кўриб чиқилган. Портернинг таъкидлашича, кластер минтақа рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим воситадир. Кластер бир-бирини тўлдирадиган, географик жиҳатдан ягона ҳудудда жойлашган, бир-бирига ўзаро боғланган компаниялар гуруҳи бўлиб, унинг аъзолари алоҳида компаниялар ва умуман кластер-

нинг рақобатдош устунликларини кучайтиради [1, 208 с.] .

Иқтисодий адабиётларда турли хил кластерлар учрайди: саноат, минтақавий, инновацион, трансмиллий ва ҳ.к. Шунингдек, турли тадқиқотчилар кластер бирлашмаларининг асосий хусусиятларини ҳар хил изоҳлайдилар. Баъзилар ҳудудий (географик) жойлашувни кластерларнинг асосий хусусияти деб биладилар, бошқалари уни соҳа ва тармоққа боғлайдилар, яна бошқалари эса инновацион таркибий томони унинг асосини ташкил этишини таъкидлайдилар. Умуман олганда, кластерларнинг рақобатбардошлигини биринчи навбатда унинг инновацион йўналиши белгилаб беради [2].

Иқтисодий таърифта инновацияларни муваффақиятли жорий этиш учун урта субъектнинг, яъни бизнес, давлат ва илмий ҳамжамиятнинг иштироки талаб этилади. Ушбу уюшмада илм-фан инновацион тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ижрочиси ролини ўйнайди, давлатга эса инвестор ёки ишланмалар буюртмачиси вазифаси юклатилади, бизнес эса минимал даражада инновацияларнинг фаол истеъмолчиси, максимал даражада буюртмачиси сифатида қатнашиши керак [3].

Иқтисодий таърифта инновацион фаолиятни муваффақиятли ривожлантириш учун Ўзбекистонда ҳозирги иқтисодий вазиятга мослаштирилган молиялаштириш механизмининг самарали моделини яратиш керак. Бундай ҳолда ягона бирлаштирилган тизим давлат молиялаштириш манбалари, венчур капитал маблағлари ва хусусий инвестициялардан иборат бўлиши керак. Давлатнинг биринчи босқичдаги роли хатарлар энг юқори бўлган шароитда тадқиқотни молиялаштириш ҳисобланади. Чунки бизнес кўпинча катта маблағ талаб қиладиган ишларга ҳомийлик қила олмайди. Иккинчи босқичдаги тажриба ва конструкторлик ишларига истеъмол бозорида тадбиқ этиладиган лойиҳа-

ларни молиялаштиришга бизнес ўзининг салмоқли ҳисасини қўшиши мумкин.

**Инновацион кластер – иқтисодий интеграциянинг замонавий усули.**

Илм-фан, бизнес ва давлатнинг муваффақиятли ҳамкорлиги шаклларида бири бу инновацион кластерларни яратишдир. Бундай восита турли соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун илм-фан, давлат ва бизнеснинг ташкилий уюшмасини тузишни ўз ичига олади. Инновацион кластерларнинг муваффақиятли ривожланиши учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва умуман инновацион фаолиятни, шунингдек тўғридан-тўғри давлат-хусусий шериклик билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қонунчиликнинг бутун тизимини шакллантириш зарур. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, инновацион соҳада давлат, бизнес ва илм-фан ўртасидаги муносабатлар шериклик, тенг ҳуқуқли бўлиши, умумий мақсадларга эга бўлиши, уч томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан молиялаштирилиши керак ҳамда олинадиган хавф ва натижалар тенг тақсимланиши керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш ўринлики, инновацион кластерлар Ўзбекистоннинг кейинги ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Чунки бу услуб тадқиқотни молиялаштириш ҳисобига катта даромад олинишини таъминлайди ва натижаларни тижоратлаштириш масалаларини муваффақиятли ҳал қилишга катта имконият яратади [4].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кўплаб саноати равожланган мамлакатларда, хусусан Японияда, миллий инновацион тизим шаклланишининг кластер усули қўлланилади. Масалан, ушбу ёндашув автомобил-созлик саноатида тўлиқ амалга оширилган. JETRO корпорацияси 11 та кластерни яратиб, айни пайтда уларни муваффақиятли ривожлантирмоқда. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда ҳам, хусусан Россия, Қозоғистон, Беларусь, Озарбайжонда илмий-тадқиқот мажмуаларига ўхшаш минтақавий илмий-инновацион кластерлар яратилмоқда.

Гарвард бизнес мактаби маълумотларига кўра, АҚШ иқтисодиётида бандликнинг 32 фоизидан кўпроғи кластерлар томонидан таъминланади, Швеция иқтисодиётида кластерларда ишлаётган аҳолининг 39 фоизи банд. Кластерларда меҳнат унумдорлиги ва

иш ҳақи даражаси мамлакатдаги ўртача кўрсаткичлардан анча юқори.

Инновацион кластерни турли ташкилотларнинг (саноат компаниялари, технопарклар, бизнес-инкубаторлар, илмий марказлар, лабораториялар, ўқув муассасалари, молия-кредит ташкилотлари, инвестиция ва инновацион компаниялар, венчур фондлари, жамоат ташкилотлари ва ҳ.к.) бирлашмаси деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу бирлашмада шаклланган ички иерархия ва бозор механизмнинг афзалликлари янги билимлар, янги кашфиётлар ва ихтироларни амалиёт ҳамда ишлаб чиқаришга тез ва самарали татбиқ этиш учун қулай имконият яратади.

Инновацион кластерлар бошқа ҳудудий илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларидан ўзининг кўпгина фойдали ва афзал томонлари билан ажралиб туради. Кластерда унинг аъзолари ўртасида шакллантирилган барқарор муносабатлар туфайли, янги ишланмалар ва технологияларни инновацияларга самарали айлантириш, инновацияларни эса рақобатдош устунликларга айлантириш мумкин. Буларнинг барчаси рақобатни сақлаб турганда содир бўлади.

Инновацион кластерларнинг бошқа иқтисодий шакллардаги уюшмалардан фарқи шундаки, бундай кластер таркибига кирган компаниялар ўзларининг ҳуқуқий мақомини сақлаган ҳолда, мустақил равишда фаолият кўрсатадилар ва шу билан бир қаторда кластерни ташкил этувчи бошқа корхона ва фирмалар билан ҳамкорлик қилиш имкониятини берадиган механизмни яратадилар. Яъни, кластернинг инновацион жараёнларида рақобат ва ҳамкорлик комбинацияси шаклланади.

Инновацион кластер модели маълум сифат кўрсаткичлари билан ҳам ажралиб туради. Буларга, биринчидан, кластер аъзоларининг ўзаро таъсири даражаси билан тавсифланган кластер боғланиши, шунингдек уларнинг зарур ресурслардан фойдаланиш имкониятлари киради. Иккинчидан, инновацион кластер моделининг ўзига хос хусусияти бу синергия эффектидир. Бу элементларнинг инновацион имкониятлар йиғиндисидан билан аниқланадиган ва кластер элементларининг ўзаро синергетик таъсирга миқдорий баҳо берадиган ажралмас хусусиятидир. Шунингдек, инновацион кластер моделининг асосини унинг ядроси ҳисобланмиш уюшмалар (корхоналар) ва ўсиш захиралари ташкил этади. Мазкур корхоналар кластер

фаолияти натижаларига асосий ҳисса қўшади. Ўсиш захиралари эса зарурат туғилганда кластернинг инновацион жараёнларини ташкил этишдаги камчиликларни бартараф эта олади ва бутун инновацион тизимнинг стратегик ривожланиши буйича чораларни белгилайди [5].

Инновацион кластерлар фаолиятининг якуний натижаси бутунлай янги технологиялар ва маҳсулотлардир. Инновацион кластернинг ядроси ҳисобланадиган йирик илмий-тадқиқот бирлашмалари атрофида кластер ядроси томонидан яратилган янги технологиялардан фойдаланган ҳолда, ускуналар ва материалларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар жойлаштирилади.

Шундай қилиб, бутун жараён – инновацион ғоялар яратиш, уларни саноатга татбиқ этиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига етказиб бериш кластерда амалга оширилади.

### **Ўзбекистонда кластер интеграцияси.**

Ўзбекистонда пахта саноатини кластерли ривожлантириш ва мева етиштириш бугунги кунда асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. 2018 йилда фермер хўжаликлари ва тўқимачилик корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш учун пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер шакли республиканинг 20 та ҳудудида 160 минг гектар майдонда экспериментал равишда жорий этилган эди. Бунинг моҳияти шундаки, маҳаллий тўқимачилик корхоналари тўғридан-тўғри фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларидан пахта етиштиришни буюртма қилишлари ва кўпайтиришлари мумкин. Айни пайтда бундай усул ўзининг самараси бермоқда. 2019 йилнинг охирига қадар республикамизнинг 118 туманида 75 пахта кластерлари ташкил қилинган. 2018 йили мамлакатимизда 45 та мева-сабзавот кластери яратилган бўлиб, 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги кластерини ташкил этиш назарда тутилган.

Шунингдек, республикамизда туризм, таълим, тиббиёт саноати ва фармацевтика соҳаларида ҳам инновацион кластерларни барпо этиш режалаштирилмоқда. Аммо, бизнинг мамлакатимиздаги бундай хўжалик юритувчи субъектлар, афсуски, бошқа иқти-

содий ривожланган давлатлар каби ҳали ривожланмаган.

Шунингдек, республикамизда фармацевтика, кимё, нефть кимёси, ахборот технологиялари, туризм, нанотехнология соҳаларида ҳам инновацион кластерлар яратиш салоҳияти мавжуд.

Хусусан, 2020 йил 28 январдаги “Tashkent Pharma Park” Инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жорий йилнинг апрель ойида Тошкент вилоятининг Зангиота туманида республикамизда биринчи инновацион кластерни барпо этиш ишлари бошланди. Мазкур инновацион кластерни яратиш учун 80 гектарга яқин ер майдони ажратилган бўлиб, лойиҳани амалга ошириш учун умумий қиймати 276 миллион доллар миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилган. Ушбу йирик ташаббус доирасида 14 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши ва натижада 1700 киши иш билан таъминланиши кутилмоқда [6].

Тадбиркорлик ва ҳудудларни ривожлантиришда кластерли ёндошишнинг кўпгина афзалликларини очиб берадиган муҳим тадқиқотлар мавжуд. Кластерлар инновацияларни ривожлантириш механизми сифатида бизнесни ривожлантиришга ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Унга кўра, инновацион кластерлар ишлаб чиқариш бўғинининг қўшимча бўлимлари ўртасида қўшимча барқарор ривожланиш тамойилларини яратади.

### **Хулоса.**

#### **Кластерлаш - давлатимизнинг янги иқтисодий стратегияси.**

Умуман олганда алоҳида минтақалар ва давлатнинг иқтисодий тараққиётини кластер тузилмалари белгилайди, десак хато бўлмайди. Унга кўра, инновацияларнинг алоҳида субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларни яратиш йўллари излаш керак, чунки уларда билимлар алмашинуви ва инновациялар яратилиши мавжуд. Инновацион ривожланишда кластерлар зарурий ҳодисадир. Мамлакатда кластерларсиз инновацион ютуқларга эришиш ва йирик лойиҳаларни амалга ошириш ниҳоятда мушкулдир [7].

Ҳудудларда инновацион кластерларни сон ва сифат жиҳатидан кўпайтириш орқали иқтисодиётни янада ривожлантириш учун жаҳон амалиётида қўлланиладиган инновацион муҳитни фаоллаштириш ва такомиллаштиришнинг муайян механизмларидан

фойдаланиш керак. Масалан, яратилган инновацион инфратузилмани шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, технологияларни етказиб бериш тармоғини яратиш, инновацион лойиҳаларни тўғридан-тўғри ва билвосита молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек инновацион сиёсатни амалга оширишга кластерли ёндошиш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, маҳсулотларни универсал стандартлаштириш асосида юзага келадиган синергия таъсири инновацион кластерларни шакллантириш орқали синтезланади. Бундан ташқари, кўлам, қамров ва си-

нергиянинг қўшма таъсири остида кластернинг барча аъзолари қўшимча рақобатдош устунликларга эга бўлишлари мумкин.

Рақобатбардош соҳаларни танлаган ҳолда, инновацион кластерларни шакллантириш давлатимиз ривожининг янги иқтисодий стратегияси ҳисобланади. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширадиган юқори ишлаб чиқариш технологиялари ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига камраб олган янги саноат корхоналарини барпо этиш учун зарур шароит яратишга йўналтирилган.

### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Портер Майкл Э. Конкуренция: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. – 608 с.
2. Ленчук Е.Б., Власкин Г.А. Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран. Статья. Российский гум. научный фонд. М. 2016.
3. Andersson T., Schwaag S. The Cluster Policies Whitebook // IKED. Malmo, 2004.
4. Уральский федеральный университет имени первого Президента России Б.Н. Ельцина (Екатеринбург) Взаимодействие науки и бизнеса [Электронный ресурс, [arbir.ru/articles](http://arbir.ru/articles)] К.А. Иванова, Л.А. Филимонова, Л.М. Симонова, 2017.
5. Взаимосвязь бизнеса и образования, науки [Электронный ресурс, [fundamental-research.ru/ru/article/](http://fundamental-research.ru/ru/article/)].
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
7. [www.finance.uz](http://www.finance.uz) Перспективы формирования инновационных кластеров в Узбекистане.

## РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА

**Карабаева Гулнора Шарафитдиновна -  
Ташкентский филиал ФГБОУ ВО «РЭУ им.  
Г. В. Плеханова», старший преподаватель**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон саноатининг инновацион ривожланишининг асосий жиҳатлари кўриб чиқилган ва инновацион фаолиятни фаоллаштириш йўллари таклиф қилинган. Муаллиф томонидан Ўзбекистон саноатининг инновацион фаолияти натижавий ва самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** саноат, фаолиқ, инновация, технология, рақобатбардошлиқ.

**Аннотация:** В статье рассмотрены основные аспекты инновационного развития промышленности Узбекистана и предложены пути активизации инновационной деятельности. Автором проведён анализ показателей результативности и эффективности инновационной деятельности промышленности Узбекистана.

**Ключевые слова:** промышленность, активность, инновация, технология, конкурентоспособность.

**Abstract:** The article discusses the main aspects of innovative development of industry in Uzbekistan and suggests ways to enhance innovation. The author conducted an analysis of performance indicators and the effectiveness of innovative activity of the industry of Uzbekistan.

**Keywords:** industry, activity, innovation, technology, competitiveness.

### **Введение**

Происходящие в Узбекистане социально-экономические преобразования требуют модернизации реального сектора с целью её максимального приспособления к реалиям общественной жизни. Важнейшим средством обновления и модернизации промышленности являются инновационные процессы,

происходящие в сфере производства и реализации продукции и услуг.

Повышение экономического потенциала страны, выдвинутое в качестве стратегического направления дальнейшего развития производительных сил и достижения общественного прогресса может быть обеспечено не только на базе новых инвестиционных вложений в экономику или создания новых